

Миразиз Аъзам хам болалар, хам катталар шоири, айни чогда ўткир публитсист, етук таржимон хамдир. У 1936 йили Тошкентда таваллуд топган. Тошкент Давлат дорилфунунини тугатгач, Тошкент телестудиясида, «Гунча» болалар ойномасида, сўнгра «Ёш гвардия», Гафур Гулом нашриётларида мухаррир бўлиб ишлаган. Кўп йиллар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслахатчи, саркотиб ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

Унинг ижоди талабалик йилларидаёк бошланган. Унинг биринчи шеъри 1960 йилда «Галати туш» номи билан чоп бўлган. Кейинчалик у 1972 йилда алоҳида китоб холида болаларга совга килинган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Металлург» (1964) номи билан чоп бўлган. Шундан сўнг болалар учун «Аклли болалар» (1969, достон), «Сенга нима бўлди» (1970), «Ер айланади» (1973), «Ерга доврук соламиз» (1970), «Бир чўнтақ ёнгок» (1990, сайланма) каби бир катор ажойиб шеърий тўпламлари босилиб чикди. Уларда болаларнинг калби ва туйгулари оркали оламни, одамни билишга, яхшилик билан ёмонликни фарклашга, халол ва покиза меҳнатни улуглашга интилади.

Адиб катталар учун хам бир катор салмокли шеърий гулдастлар яратган. Жумладан, «Севаман» 1977), «Туйгулар» (1980), «Сабот» (1983) каби тўпламларидағи кўпчилик шеърлар ўзининг хаётий ва жозибалилиги билан ўкувчи калбини забт этади. Шоир ана шу шеърий тўпламларидағи энг яхши шеърларини ва янги ёзилган асарлари сарасини ўзининг «Хакикатнинг кўзлари» (1988) сайланмасига жамлаб, талабчан ўкувчисига хавола этди.

Миразиз Аъзам хароратли, шижаотли публитсист хамдир. Унинг маданий-адабий меросни кўз корачигидек асрарашга даъват этувчи бир катор тарихий-адабий маколалари шулар жумласидандир.

Адиб мохир таржимон, адабиёт ва маданиятнинг хормас таргиботчиси хам. Унинг турк, рус, немис адибларидан килган таржималари, айникса, ислом маданиятига оид таржималари кўпчилик мутахассис ва оддий ўкувчи ихлосини ортириди.

Миразиз Аъзам ижоди гуллаган, сермаҳсул, серфайз бўлишига ишонса бўлади.